O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 13 июль, чоршанба • № 56 (11.755) • Эркин нархда сотилади


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Мўминов ахборот берди. Мазкур ҳужжатлар юзасидан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Депутатлар муҳокама жараёнида тушган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**ЎзА.**




**Биз бундан ўн тўрт йил муқаддам сиёсий тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янгича босқичига қадам қўйдик. Ўтган бу муддат аслини олганда ниҳоятда қисқа. Лекин шу йиллар ичида Ўзбекистон кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиланишлар йўлидан борди, жаҳонда ўзини бекаму кўст намоён этди.**

**Мамлакатимиз миллий мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, иқтисодий ислоҳотлар туфайли ҳар қандай давлат учун ишончли шерик эканлигини кўрсатди. Бугун Олмалиқ ва Чирчиқнинг ноёб ва нодир металлари, Бекобод ва Оҳангароннинг минг бир хил қурилиш материаллари, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларимиз, қишлоқларимизда етиштирилаётган пилла, пахта ва бошқа ноз-неъматларимиз билан халқаро бозорларга дадил кириб бораётирмиз.**

# АЙТГИЛ, ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?

### «ҒАЗАЛКЕНТ» ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

Ўтган йилнинг декабрида «Ғазалкент» очиқ акциядорлик жамияти дарвозасига яқинлашаётиб, тўрт-беш йил илгариги воқеалар ёдимга тушди. Довруқли бу корхона кейинги йилларда «ўтириб» қолди. Унинг биргина банклардан олган қарзлари 400-450 миллион сўмга етиб бораётганди. Ширкат ва фермер хўжаликларидан олинган сабзавот маҳсулотлари учун ҳам 280 миллион сўмдан зиёдроқ ҳақ ҳали тўлангани йўқ.

Ўшандай оғир бир пайтда замонавий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос тамойилларини пухта ўзлаштириб олган ёш мутахассис Фахриддин Умрбоевни бошқарув раислигига тавсия этишди. Гап тадбиркорликда экан. Излаган чора топаркан. Корхона ишчи-хизматчилари янги раҳбар келганидан кейин бунга амалда иқрор бўлишди. Жамоат жам бўлиб асосий эътиборни маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг бозордаги рақобатбардошлилигини оширишга қаратишди. Бу Ғазалкент консерваларига халқаро бозорлар сари йўл очди. Хорижий мижозлар билан катта ҳажмларда маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузила бошланди. Жумладан, Латвияга 35 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилди. Россия бозорларида «Ғазалкент» консерваларига талаб ортиб борди. Ҳатто Краснодар ўлкасида махсус савдо уйи очилди. У орқали қисқа вақт ичида 20 минг АҚШ долларилик консерва маҳсулотлари сотилди. Корхона экспорт салоҳиятининг ортиб бориши Украина истеъмол бозорига ҳам йўл очди. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан истиқболли шартномалар имзоланди.

— Биз янги — 2005 йилга ўзгача бир ишонч билан ўтмоқдамиз, — деган эди ўша суҳбат чоғида Фахриддин Умрбоев. — Бугунга келиб, корхонамизнинг банк кредитини 90 миллион сўмга камайтирдик. Хом ашё етказиб берувчи хўжаликлар билан ҳам ўзаро ҳисоб-китобимиз изга тушиб бораяпти.

Ўша суҳбат чоғида Умрбоев корхона омборларида деярли 800 миллион сўмлик маҳсулот жамланганлиги ҳақида... қандайдир бир мамнуният билан гапириб қолди. Бундай ҳол одатда ниҳоятда ташвишланарли. Бошқарув раиси таажжубимни сезди шекилли:

— Одатда маҳсулотларимизга қиш-баҳор ойларида эҳтиёж ортади, — деб қўйди. — Маҳсулотни вақтида, ўрни билан бозорга чиқариш ҳам асли бир санъат.

Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. «Ғазалкент» ўз маҳсулотларини ички ва ташқи истеъмолчиларга етказиб бера бошлади. Қисқа муддатда 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги консерва хориж бозорларида сотилиб кетди.

Иқтисодиётдаги тикланиш, ўсиш суръатларининг кўтарилишини тасдиқловчи бундай мисоллар Янгийўлда ҳам, Олмалиқ ва Ангренда ҳам, Оҳангарон ва Бекободда ҳам сероб. Чирчиқ тўқимачилари бугун хориж бозорларида миллион-миллион сўмлик кийим-бош ва хом ашё сотишаяпти.

Умуман, вилоятимиз саноат корхоналари шу йилнинг январь-июнь ойларининг ўзида 746,9 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 102,8 фоизни ташкил этди. Вилоят саноат корхоналари 6 ойда 66,7 миллиард сўм фойда олди.

Вилоят иқтисодиёт бош бошқармасидаги суҳбат чоғида бир жиҳатга эътиборни жалб қилишди. Шу олти ой мобайнида зарар кўриб ишлаган корхоналар сони йил бошидагига нисбатан тўрттага камайганлигини алоҳида таъкидлашди. «Бу иқтисодиётимиз кўрадиган зарар миқдори 10,6 миллиард сўмга камайди деган сўз», — дейишди қилни қирқ ёрувчи малакали иқтисодчилар.

Икки-уч йилнинг нарисида ҳам, айтайлик, макаронни хориждан ортмоқлаб таширдик. Бугун истеъмол моллари ишлаб чиқариш 6,2, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

(Давоми 2-бетда).

# КРЕДИТ ҲИСОБИГА



**«Хоразм» хусусий фирмаси Янгийўл шаҳрида барпо этилган тадбиркорлик тузилмаларининг тўнғичларидан бири ҳисобланади. Ишбилармон Худойберди Раҳимов ташкил этган фирма жамоаси ўн йилга яқин вақтдан бери янгийўлликлар хизматида.**



Уларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштиришга ёрдам бермоқда. Дастлаб фақат савдо-сотиқ билан шуғулланган тадбиркорлар хизмат ва ишлаб чиқариш доирасини йил сайин кенгайтириб боришяпти. Эндиликда у кўптармоқли фирма бўлиб қолди. Унда боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик ишлари ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йилдан эса, замонавий ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган полиэтилен қоп тайёрлаш цехи ишга туширилди. Бунинг учун «Саноатқурилишбанки»нинг шаҳар филиалидан 272 миллион сўмлик кредит олинди. Цехда иш уч сменада давом этмоқда. Ҳозир ҳар куни 15-16 мингта турли сиғимдаги сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Фирма жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмида буюртмачиларга 120 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

***СУРАТЛАРДА:*** *илғор оператор Сайёра Қодирова; цехда иш қизғин.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

---

***Ўзбекистон – мустақил мамлакат***

# ЖАВОБИ ТОПИЛМАЁТГАН САВОЛЛАР

**Дарҳақиқат, сиёсатга қизиқмасликнинг иложи йўқ экан. Газетага ҳеч қачон мақола ёзмаганман, тўғрисини айтсам, ҳар доим бунинг фойдаси йўқ – менинг, яъни оддий одамнинг фикри кимга ҳам керак, деб ўйлардим. Лекин бу гал чидаб тура олмадим, ёзишга қарор қилдим, чунки ортиқ жим туриб бўлмайди. Куни-кеча Лондонда содир этилган портлашлар, улар қанчалик даҳшатли бўлмасин, балки охир-оқибатда, ўзим яшаётган мамлакатдан, уйим, оиламдан йироқда, дунёнинг бирон-бир бурчагида террорчилик мавжуд, лекин бунинг шахсан менга ҳеч қандай дахли йўқ, деб ҳисоблаган ва ҳисоблайдиган айрим Ғарб сиёсатчиларининг кўзини очиши керак, деб ўйлайман. Энди улар ушбу масалага икки хил стандарт мезони бўйича ёндашиладиган бўлса, бутун дунёда одамларнинг ҳаёти хавф остида қолишини тушуниб етсалар, ажаб эмас.**

Очиғини айтсам, аслида ўтган ҳафта, Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқини ўқиганимдан кейин қўлимга қалам олмоқчи эдим. Билмадим – кимга қанақа, лекин бу нутқ менга ёқди. Ҳозирги замонда ҳамма нарсани рўй-рост ва аниқ қилиб ифодалашга ҳар кимнинг ҳам журъати етмайди. Биз, шу минтақада яшаётган одамлар, террор балоси нима эканини бошқаларга нисбатан яхшироқ биламиз. Тошкентда портлашлар рўй берган эди, май ойида эса Андижонда мудҳиш фожиа содир этилди.

Ҳозир замон ўзгарди, бутун дунё террор деган даҳшатли балога дуч келди. Бугун курраи заминда тинч аҳоли вакиллари террорчилар қўлида ҳалок бўлмаган давлат топилмаса керак. Шуни барча англаб етиши керакки, ушбу муаммони биргаликда, бутун дунё давлатлари ҳамкорлигида ҳал қилиш вақти келди.

Шу боис улкан салоҳиятга эга давлатларни бирлаштирган ва ўз олдига террорчиликка қарши курашни мақсад қилиб қўйган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти оддий одамлар қалбида XXI аср балосига қарши тура олишимиз ҳақида умид уйғотади. Бироқ бунинг учун бирлашиш лозим. Энг асосийси, бунга айрим мамлакатлар юритаётган «икки хил стандарт» сиёсати тўсқинлик қилиши мумкин. Ўша давлатлар шаклу шамоили бир хил жиноятларни баъзан, ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда террорчилик, баъзан эса, «тинч» намойиш, деб атамоқда. Шакшубҳасиз, Лондонда содир этилган даҳшатли террорчилик хуружларини ҳам барча сиёсатчилар, ҳурфикрли инсонлар қоралайди. Бироқ шуни унутмаслик кераккки, бу террор деб аталган битта занжирнинг ҳалқаларидир. Лондондан анча олисдаги Андижонда ҳам айнан мана шундай террорчилар ҳаракат қилган эди. Лекин Англиянинг баъзи бир узоқни кўра билмайдиган сиёсатчилари бундай ёвуз кучларга бепарволик билан қараб, террорчиликнинг бутун дунёга ёйилишига кенг йўл очиб бермоқда.

Мен кекса одамман. Бир пайтлар Нью-Йоркда қора танлилар яшайдиган туманда исён кўтарилгани ва маҳаллий ҳокимият уни бостириш учун ҳеч иккиланмасдан геттога бомба ёғдиргани ҳам эсимда. Ўшанда бегуноҳ фуқаролар, болалар, хотин-қизлар ҳалок бўлган эди. Лекин ўшанда бу хатти-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қораланмади. Бундан демак, суверен давлат ўзининг «ички душманлари»га қарши қандай жазо қўллашини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга экан. У ҳолда, Америкага ўзи каби суверен давлатларнинг ички муаммоларига аралашиш ҳуқуқини ким берди?

Мен саммитда қабул қилинган хорижий ҳарбийларни ШҲТ мамлакатлари ҳудудидаги аэродромларда сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириш тўғрисидаги баёнот бўйича ҳам фикр билдирмоқчиман. Менимча, бунда Қарши яқинидаги бизнинг «Хонобод» аэродромимиз ҳам назарда тутилмоқда. Мен ҳам бошқалар каби юртимизда бундай базанинг пайдо бўлишини ўз вақтида қўллаб-қувватлаганман. Ҳеч кимга сир эмаски, 2001 йилда Афғонистон томондан турли тоифадаги террорчилар ҳудудимизга суқилиб кирарди ва уларнинг «ўқув марказлари» ҳам айнан ўша мамлакатда жойлашган эди. Толиблар Ўзбекистонга қуролли босқинчиликни амалга оширишни очиқдан-очиқ айтишарди. Таҳликали эди у кунлар. Шундан сўнг мамлакатимиз Америка ҳарбий-ҳаво кучларига Афғонистон шимолида қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун «Хонобод» аэродромини берди ва шу тариқа антитеррор операциясига бақолиқудрат ўз ҳиссасини қўшди.

Айни пайтда эса, америкаликларнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, Афғонистондаги ҳарбий операцияларнинг фаол босқичи ниҳоясига етди, мамлакатда ҳаёт изга тушмоқда, ҳукумат ва президент сайланди. Шу маънода, «Хонобод» аэродромидан фойдаланишга уларда эҳтиёж ҳам қолмади.

Америка ҳарбийлари, оммавий ахборот воситаларидан маълум бўлишича, наркотрафикни камайтиришга ҳам таъсир кўрсатмас экан, негаки, бу уларнинг иши эмас эмиш. Ваҳоланки, наркотиклар террорчилик озиқланадиган молиявий манба ҳисобланади. Афғонистон дунёдаги асосий кўкнори етиштириладиган ҳудуд бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, бу борада самолётлардан ҳеч қандай наф йўқ.

Шу тариқа ўз-ўзидан табиий савол туғилади: АҚШ ҳарбий контингенти Хонободдаги авиабазани нима учун банд этиб турибди? Бу ерда Америка ҳарбийлари қандай вазифани бажармоқда? Агар бу АҚШнинг аллақандай геосиёсий манфаатлари билан боғлиқ бўлса, унинг бизга, Ўзбекистонда яшаётган одамларга нима дахли бор?

Дарвоқе, яқинда газетада Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун ахборотини ўқидим. Унда Америка томони аэродромдан фойдаланиш, самолётларнинг парвозини ташкил этиш борасидаги Ўзбекистоннинг сарф-харажатларини қопламаётгани баён этилган. Шундай экан, уларни ўз ҳисобимиздан боқишнинг нима кераги бор? Ёки америкалик ҳарбийлар «палончига салом бердинг – қирқ танга товон бердинг» тамойили бўйича яшамоқдами?

Яна бир оддий инсоний муаммо бор. Аэродромга бевосита яқин жойларда яшайдиган қаршиликлар бу ерда хорижий ҳарбийлар юзага келтираётган бир талай ноқулайликлардан арз қилмоқда. Булар — оғир ҳарбий Америка самолётларининг чидаб бўлмайдиган шовқини, йўлларнинг тўсиб қўйилиши сабабли одамларнинг айланма йўллардан юришига тўғри келаётгани ва бошқа муаммолардир.

Эҳтимол, бу саволларнинг жавоби ҳукуматимизнинг юқори мансабдор кишиларига маълумдир. Шундай бўлса, улар жавоб бера қолсин. Аминманки, бу саволлар нафақат мени, балки кўплаб бошқа юртдошларимизни ҳам ўйлантириб келмоқда.

**Назрулло ҲАМРОЕВ.**
**(«Народное слово» газетаси, 2005 йил 12 июль).**

# СИЁСИЙ ЎЙИНЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ЭМАС, ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ КЕРАК

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) яқинда бўлиб ўтган саммити бутун дунёга унинг нечоғли самарадорлигини намойиш этди. Ҳозир нафақат сиёсатчилар, балки оддий одамлар ҳам ШҲТ халқаро ҳамкорликнинг муҳим институтига, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафик каби энг хавфли таҳдид ва хатарларга қарши курашнинг муҳим омилига айланиб бораётганини англаб етмоқда.**

Қайд этиш жоизки, ШҲТнинг шаклланиш жараёни анча жадал кечди. 2004 йилдан Пекинда унинг Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) доимий фаолият кўрсата бошлади. ШҲТ 2004 йилнинг декабрида БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомини олди. 2005 йилда ШҲТ билан АСЕАН ҳамда МДҲ ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Буларнинг барчаси айни мана шундай ташкилотнинг тузилишини тарихий ва сиёсий зарурат тақозо этганидан далолат беради. У яқинда ташкил этилганига қарамасдан, халқаро майдонда фаоллик кўрсатмоқда, дунёда ушбу ташкилот билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бормоқда.

Остонада ўтган навбатдаги саммитда уч мамлакат – Ҳиндистон, Покистон ва Эрон кузатувчи мақомини олди. Маълумки, ўтган йилги Тошкент саммитида Мўғулистонга ана шундай мақом берилган эди.

ШҲТнинг ошиб бораётган нуфузи ва истиқболини Ўзбекистон Президенти ёрқин ифодалаб берди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёнинг жуғрофий, аниқроғи, геосиёсий харитасига назар ташлаб, ШҲТ таркибига кирувчи мамлакатларни бир рангда белгилаб чиқилса, бу галги саммитда ташкилотга кузатувчи сифатида қабул қилинган Ҳиндистон, Покистон ва Эрон каби етакчи Осиё мамлакатларининг улкан захиралари ва аҳолиси инобатга олинса, бугунги кунда ШҲТ қандай ташкилотга айланганини ва нечоғли катта салоҳиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу тариқа ШҲТ орқали курраи замин аҳолисининг қарийб ярмини ўзаро яқинлаштириш, кўплаб халқлар ва мамлакатлар ўртасида янги асосдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш имконияти туғилмоқда. Бунда айниқса савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришга ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга катта умид боғланмоқда.

Остона учрашувида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилинди. Президентлар ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида террорчиликка, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик Концепциясини ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг МАТТ ҳузуридаги доимий вакиллари тўғрисидаги Низомни тасдиқлашга оид қарорларни ҳам имзоладилар. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим ва ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган ҳужжатлардир.

Декларациянинг «антитеррор коалициянинг тегишли аъзолари ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги қайд этилган инфратузилмалар объектларидан вақтинча фойдаланиш ва ўз ҳарбий контингентларини сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириши зарурлиги» тўғрисидаги қисми катта акс-садо уйғотди.

Маълумки, Ўзбекистон ҳам антитеррор коалициянинг фаол иштирокчисидир.

Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун ахборотида таъкидланганидек, 2001 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ва бу ердаги ҳарбий инфратузилмадан фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида Битим имзоланган эди. Буни биринчи галда Ўзбекистон томонининг суверен Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига, хавфсизлиги ва барқарорлигига толиблар ҳамда халқаро терроризм кучлари томонидан бўлаётган бевосита таҳдидни бартараф этиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилиши тақозо этган эди.

Биз ҳаммамиз турли андишасиз босқинчи тўдалар, қуролланган террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳудудига суқилиб кирган, чегарадаги Ҳайратон кўпригида фитналар уюштирилган таҳликали кунларни яхши эслаймиз. Ўзбекистон Президенти бу хатти-ҳаракатлар нафақат Ўзбекистон ё минтақамизга, балки бутун дунёга таҳдид эканлигини кўп бор таъкидлаган эди. 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда содир этилган фожиали воқеаларгина, ниҳоят, жаҳон ҳамжамиятининг, биринчи навбатда, АҚШ жамоатчилигининг кўзини очди ҳамда Афғонистондан чиқаётган ва тобора кучаяётган хавфни аён кўрсатди.

Ўзбекистон антитеррор коалициянинг фаол иштирокчиси сифатида мана шундай шароитда ҳарбий операциялар ўтказиладиган даврда фақат қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун имконият яратиш мақсадида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари чекланган контингентининг Хонобод-Қарши аэродромидан фойдаланишига розилик берди.

Кейинги воқеалар Афғонистон шимолидаги жанговар операцияларнинг муваффақиятли ўтишида ва у ердаги халқаро террорчиларнинг ҳарбий полигон ва базаларини, Толибон кучларининг ўзагини йўқ қилишда Хонобод аэродроми ўта муҳим ўрин тутганини кўрсатди.

Мана, икки йилдан ошяптики, АҚШ раҳбарларининг ўзи ҳам таъкидлаганидек, жанговар операцияларнинг фаол босқичи якунланди ва энди ўз-ўзидан аёнки, Хонобод аэродромидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги ҳақидаги фикрлар долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмоқда.

Шунинг учун ҳам кўпчиликда, айниқса, бевосита аэродромга ва Афғонистон чегарасига яқин ҳудудларда яшайдиган одамларда аллақачон шундай табиий бир савол пайдо бўлган. Яъни, ҳозирги Афғонистон ўз ҳукуматини, президентини сайлаб олган бўлса, мамлакатда тинч ҳаёт тикланаётган бўлса, Қаршида ҳали ҳам АҚШ аэродромини сақлаб туриш мақсадга мувофиқмикан, деган савол ўзига жавоб кутмоқда. ШҲТнинг Остона саммитида қабул қилинган ҳужжатда баён этилган Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларидаги аэродромлардан фойдаланишнинг муайян якуний муддатларини аниқлаштириш борасидаги чақириқлар, бизнингча, ҳар томонлама асосли ва ўз вақтида қилинган ишдир.

**Нодир ЗАЙНОБИДДИНОВ,**
**тарихчи ва сиёсатшунос.**
**(«Правда Востока» газетаси, 2005 йил 9 июль).**

# БЕРЛИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

**Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида республикамизнинг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Германия федерал вазирликлари ва муассасалари, компания ва фирмалар, банк-молия тизимининг юздан зиёд вакиллари, шунингдек, журналистлар иштирок этди.**

Тақдимотда Давлат Мулк қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари И.Яковлев, «Ўзэлтехпром» уюшмаси раиси Ш.Умаров, «Ўзмевасабзавотузум-саноат-холдинг» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Б.Йўлдошев сўзга чиқди. Улар ҳукуматнинг хусусийлаштириш соҳасида олиб бораётган сиёсати, хусусийлаштиришнинг янги дастури, хорижий сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар, Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳамда рўёбга чиқарилган лойиҳалар, хусусан, немис компания ва фирмалари билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар ҳақида тадбир иштирокчиларига атрофлича маълумот бердилар.

**«Жаҳон» АА.**

# КЎРГАЗМА ТАШКИЛОТЧИСИ LG

**Пойтахтда LG электроникс компаниясининг ўз мижозлари учун кўргазмаси ташкил этилди. Ўзининг юқори сифатли маҳсулотлари билан юртдошларимиз ишончини қозониб келаётган мазкур компаниянинг замонавий маиший-техник жиҳозлари харидорлар эътиборини қозонмоқда.**

Хусусан, бу русумдаги музлатгичлар, телевизор, кондиционер, уяли телефонларни юртимизда ҳам билмайдиган киши топилмаса керак. 1997 йилдан бери Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган компания нисбатан қисқа вақт мобайнида сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлари билан ўз мижозларига эга бўлди. Компаниянинг "Барча нарса инсон манфаатлари учун" шиори остида истеъмолчилар учун ҳар жиҳатдан қулай, энг замонавий технологиялар асосида тайёрланган маҳсулотлари кўргазмада барчага маъқул бўлмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

# КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

| Автотранспорт воситасининг русуми | Бошланғич нархи | Кимошди савдоси ўтказиладиган жой | Кимошди савдоси ўтказиладиган вақт | Автотранспорт воситаси сақланаётган жой | Автотранспорт воситасининг техник ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| Нексия 1999 й и/ч ДРБ 11 АЕ 301 | 3.600.000 сўм | Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават | 25.07. 2005 йил соат 10.00 | Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй | Техник соз ҳолда |

Кимошди савдосида қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда (10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) дастлабки тўловни Пскент туман суд ижрочилари бўлинмасининг Пскент АТ «Пахтабанк»даги МФО 00472, ИНН: 201122997, 20204000300101008102 сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатлар Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими ва Пскент туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан қабул қилинади. Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тўхтатилади.

**Маълумот учун манзил:** Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими (Тошкент ш., У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават, тел.: 152-73-43) ва Пскент туман суд ижрочилари бўлинмаси (Пскент шаҳри, М. Маликов кўчаси, 1-уй. Телефон: 8-254 52-132).

**Тошкент вилоятининг тоғолди ҳудудларида жойлашган оромгоҳлари бу йил ҳам гавжум. Дарахтзор, соя-салқин ҳудудларда барпо этилган масканлар болаларнинг беғубор, шодон ўйин-кулгуларига яна бир бор гувоҳ бўлди.**

# ОРОМГОҲДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ КУНИ

Бу ерларда мутахассислар томонидан болалар оромгоҳларида рўй бериши эҳтимоли бўлган нохуш ҳолатларда ҳаракат қилиш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, оромгоҳларнинг ҳар бирида фуқаро муҳофазаси кунлари ўтказилмоқда.

Яқинда Бўстонлиқ туманида жойлашган "Ёғкимёсаноат" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Ҳумо» болалар соғломлаштириш оромгоҳида вилоят фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда "Фуқаро муҳофазаси" кунлари ўтказилди. Режага мувофиқ, ер қимирлаши рўй берганда қандай ҳаракат қилиш, газниқобдан фойдаланиш тартиби, сувга чўкаётганларга амалий ёрдам кўрсатиш, ёнғин юзага келганда уни бартараф этиш қоидалари, сайрга чиқиш вақтида шикастланиб қолганларга биринчи тез ёрдам кўрсатиш ва уларни тиббий масканларга зудлик билан етказиш усуллари каби бир қатор бошқа муҳофаза тадбирларини амалда қўллаш машқлари болалар томонидан бажарилди.

— Тадбирни бежиз ўтказаётганимиз йўқ. Хавфсизлик асосларини ҳар бир ўқувчи ўзлаштира олиши, ўзига ва атрофдагиларга биринчи ёрдамни кўрсата билиши зарур. Машқ давомида ҳар бир гуруҳ ўз вазифаларини яхши уддалай олишди, — дейди вилоят раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи Ҳуснитдин Аълоев.

**Азамат СУЮНОВ.**

# ЎРИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Вилоятимиз миришкорлари ғалладан мўл ва сара ҳосил етиштириб, шартномавий режани адо этган бўлсаларда, экин майдонларида ўрим ҳамон жадал давом этмоқда. Режани барвақт уддалаган ширкат ва фермер хўжаликларда доннинг қолган қисми пудратчи ҳамда аъзоларга берилмоқда.**

Паркент туманидаги «Навбаҳор» ширкат хўжалиги деҳқонлари 470 гектар ерда ғалла етиштирдилар. 902 тонналик давлат буюртмаси барвақт уддаланди. Ҳосилдорлик сувли ерларда 50, лалмида 12,5 центнердан ошди.

Хўжаликда ўрим мавсумини уюшқоқлик билан, юқори суръатда ўтказиш мақсадида меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорликлари оширилди, ўрнак бўлган механизатор ва ҳайдовчиларга мукофот пуллари таъсис этилди.

Айни пайтда ҳар кунни ғанимат билган хўжалик деҳқонлари бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдаб, такрорий экинлар экишни бошлаб юбордилар. 40 гектардан ортиқ майдонга жўхори ҳамда сабзавот маҳсулотлари экиб бўлинди.



*СУРАТДА: хўжалик бошқаруви раиси Туйғун Раҳматиллаев илғор пудратчилар Бахтиёр Юсуфбоев, Фарҳод Ражабов ва Умар Мирпўлатовлар билан қолган майдонлардаги ҳосил чўғини чамаламоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# Сообщение о начислении и (или) выплаты доходов по ценным бумагам эмитента
## Порядковый номер сообщения – 05

| № п/п | Наименование эмитента | Количество эмиссии | Вид ценных бумаг | Дата принятия решения о выплате доходов | Дата начисления доходов по облигациям | Срок выплаты доходов по облигациям | Размер дохода, выплачиваемого на одну облигацию | Форма выплаты начисленных доходов | Общее количество облигаций, по которым выплачены доходы |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ЗАО СП «Амантайтау Голдфилдс» | 1 | Облигация | Решение принято наблюдательным советом эмитента от 16.09.2004 г. | Начисление доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | Выплата доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | 57 065,2 сум за одну облигацию | Денежными средствами | 5 000 |
| 2. | ЗАО СП «Марвел Джус» | 1 | Облигация | Решение принято наблюдательным советом от 09.01.2004 г. | Начисление доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | Выплата доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | 64 822 сум за одну облигацию | Денежными средствами | 600 |
| | | 2 | Облигация | Решение принято наблюдательным советом эмитента от 29.04.2004 г. | | | 625 сум за одну облигацию | | 40 000 |
| | | 3 | Облигация | Решение принято наблюдательным советом эмитента от 30.07.2004 г. | | | 600 сум за одну облигацию | | 50 000 |
| 3. | ООО «RUNDIS» | 1 | Облигация | Решение принято общим собранием учредителей от 26.07.2004 г. | Начисление доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | Выплата доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | 600 сум за одну облигацию | Денежными средствами | 50 000 |
| 4. | ООО «JONI M» | 1 | Облигация | Решение принято общим собранием учредителей от 22.10.2004 г. | Начисление доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | Выплата доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | 623,2 сум за одну облигацию | Денежными средствами | 100 000 |
| 5. | ООО «NIGSA» | 1 | Облигация | Решение принято общим собранием учредителей от 04.06.2004 г. | Начисление доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | Выплата доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | 625 сум за одну облигацию | Денежными средствами | 100 000 |
| | | 2 | Облигация | Решение принято общим собранием учредителей от 15.11.2004 г. | Начисление доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | Выплата доходов по облигациям осуществляется ежеквартально до 15 числа месяца, следующего после окончания квартала | 408,8 сум за одну облигацию | | 100 000 |

# ОАО «ТОШВИЛСУВОКАВА»
## сообщает о существенном факте

**Порядковый номер сообщения – 09. Решение годового общего собрания акционеров.**
**Вид общего собрания** – годовое;
**форма проведения общего собрания** – очное;
**дата проведения общего собрания** – 28.06.2005 года;
**место проведения общего собрания** – Ташкентская обл., Кибрайский р-н., пос. Кибрай, ул. У. Юсупова, 1;
**кворум общего собрания** – 97,2 %, общее количество голосов – 113 420;
**дата подписания протокола** – 11.07.2005 года.
**Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:**

| № | Вопрос повестки дня | Вариант ответа | | |
|---|---|---|---|---|
| | | За | Против | Воздер. |
| 1. | Отчет председателя правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества за 2004 год и утверждение бизнес-плана общества на 2005 год. | 113353 | 67 | 0 |
| 2. | Принятие решения о продлении на 2005 год договор найма с председателем правления общества. | 110 | 113306 | 4 |
| 3. | Утверждение заключения аудиторской проверки за 2004 год и кандидатуры аудиторской фирмы на 2005 год. | 61 | 113349 | 9 |
| 4. | Утверждение заключения ревизионной комиссии за 2004 год. | 113416 | 0 | 4 |
| 5. | Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, отчетов о прибылях и убытках за 2004 год. | 113413 | 7 | 0 |
| 6. | Распределение прибыли за 2004 год. | 0 | 0 | 0 |
| 7. | Отчет наблюдательного совета. | 113382 | 38 | 0 |
| 8. | Утверждение состава наблюдательного совета | Кумулятивное голосование | | |
| 8.1. | Саидов Б. | 113350 | | |
| 8.2. | Муратов Т. А. | 113350 | | |
| 8.3. | Усманов Ж.М. | 113350 | | |
| 8.4. | Ниязходжаев Ф.А. | 113350 | | |
| 8.5. | Амирсаидов Т. А. | 113350 | | |
| 8.6. | Бабаджанов Э.Ю. | 113350 | | |
| 8.7. | Газиева Н.М. | 113350 | | |
| 9. | Утверждение состава ревизионной комиссии. | | | |
| 9.1 | Хашимова М.Т. | 113420 | 0 | 0 |
| 9.2 | Мадаминов С.С. | 113420 | 0 | 0 |
| 9.3 | Шаповалов Г.А. | 113420 | 0 | 0 |
| 10. | Утверждение изменений, вносимых в устав общества и проспект эмиссии. | 113420 | 0 | 0 |

**Общее собрание акционеров решило:**

1. Признать отчет о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год неудовлетворительным.
2. Освободить с занимаемой должности Акрамова И.М.
3. Утвердить нового председателя правления Маджидова Г.Г. на 2005 год.
4. Не утверждать заключение аудиторской фирмы «АККО» за 2004 год и объявить тендер на выбор новой аудиторской фирмы, кандидатуры рассмотреть на заседании наблюдательного совета с последующим утверждением на внеочередном общем собрании акционеров.
5. Утвердить заключение ревизионной комиссии за 2004 год.
6. Утвердить годовой отчет, бухгалтерский баланс, счета прибылей и убытков за 2004 год.
7. Утвердить отчет наблюдательного совета за 2004 год.
8. Утвердить новый состав наблюдательного совета в количестве 7 чел.
   - Саидов Б.
   - Муратов Т.А.
   - Усманов Ж.М.
   - Ниязходжаев Ф.А.
   - Амирсаидов Т.А.
   - Бабаджанов Э.Ю.
   - Газиева Н.М.
9. Утвердить состав ревизионной комиссии в количестве 3 чел.
   - Хошимова М.Т.
   - Мадаминов С.С.
   - Шапавалов Г.А.
10. Перенести рассмотрение вопроса об утверждении изменений, вносимых в устав общества и внутренние нормативные документы на внеочередное собрание акционеров.

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Тошкент вилоят адлия бошқармаси қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш бўлган давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:**

**I. Давлат нотариал идораларида нотариус лавозими учун:**

1. Ангрен шаҳрида — 2 та ўрин
2. Ангрен шаҳрида (Красногорск қўрғонида) — 1 та ўрин
3. Бекобод шаҳрида — 1 та ўрин
4. Чиноз туманида — 1 та ўрин
5. Зангиота туманида (Назарбек қўрғонида) — 1 та ўрин
6. Ўртачирчиқ туманида — 1 та ўрин
7. Бекобод туманида — 1 та ўрин
8. Янгийўл туманида — 1 та ўрин

**II. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозими учун:**

1. Чирчиқ шаҳрида — 1 та ўрин
2. Ангрен шаҳрида — 1 та ўрин
3. Тошкент туманида — 1 та ўрин.

**Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.**

